ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил "17" апрель №ПҚ-4291 "____" _____ 20 г.

2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017–2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шунингдек, 9 та маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ маиший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги мазкур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутувчи, **2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;

полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида нархлар шаклланишини такомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий принциплари этиб белгилансин:

Стратегияни амалга оширишнинг барча босқичларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида улар билан амалга ошириладиган барча жараёнлар устидан назоратни таъминловчи қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича харажатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланишини кўзда тутувчи, тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни яратиш заруриятини белгиловчи **“ифлослантирувчи тўлайди”** принципини жорий этиш;

танлов асосида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги.

3. Стратегия қуйидаги босқичларда амалга оширилиши белгилансин:

биринчи босқич (2019–2021 йиллар) – қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш;

иккинчи босқич (2022–2028 йиллар) – қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни **100 фоизга** етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг **камида 60 фоизини** қайта ишлашни таъминлаш;

ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.) қайта ишлаш ҳажмини **25 фоизгача** ошириш;

полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини **60 фоизгача** камайтириш;

барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини **тўлиқ рекультивация қилиш;**

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан **35 фоизгача** фойдаланиш;

полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) **100 фоизгача** таъминлаш.

4. **2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини, шунингдек, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли молиялаштириш маблағларининг хусусий секторга жалб қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича ишларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, кенг кўламли тарғибот фаолиятини ташкиллаштиришни кучайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж. Раматовга – Стратегия ва Ҳаракатлар дастурининг амалга оширилишида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш;

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кучкаров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Стратегия ва Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича, шунингдек, Стратегия ва Ҳаракатлар дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарорига
1-илова

2019–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2019–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) қаттиқ маиший чиқиндилар (кейинги ўринларда – ҚМЧ) билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли барқарор тизимни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат сиёсатини амалга оширишнинг босқичлари, устувор йўналишлари, режалаштириш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, уларга эришишнинг самарали йўлларига йўналтирилган.

2. Ушбу тизимни шакллантириш ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фойдаланилаётган эски усуллардан бугунги кундаги жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган замонавий илғор усулларга ўтиш орқали босқичма-босқич ривожланишни назарда тутади.

3. Стратегия Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланади.

4. Стратегияда ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишлар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган:

ҚМЧ ҳосил бўлишининг олдини олиш – ҚМЧ ҳосил бўлишининг ўсиш суръатларини секинлаштириш ва уларнинг хавфли хусусиятларини камайтиришни ўз ичига олади;

ҚМЧдан такрорий фойдаланиш – ҚМЧдан олинган хом ашё, энергия ва материаллардан такрорий фойдаланиш;

ҚМЧни қайта ишлаш ва утилизация қилиш – ҚМЧга дастлабки ишлов бергандан сўнг, улар таркибидаги фойдали моддалардан товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш;

ҚМЧдан энергетик фойдаланиш – электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш мақсадида муқобил ёқилғи сифатида, шунингдек, маиший мақсадларда фойдаланиш учун ҳосил бўлган ҚМЧдан биогаз ва синтез-газларни ажратиб олиш;

ҚМЧни кўмиш – қолдиқ (қайта ишланмайдиган) ҚМЧни хавфсиз жойлаштириш, изоляция қилиш ва зарарсизлантириш.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2-боб. Жорий ҳолат тавсифи

5. Бутун дунёда бўлганидек Ўзбекистонда ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масаласи долзарб ҳисобланади. Чиқиндилар экологик хавфсизликка ва фуқаролар соғлиғига таҳдид солувчи муаммога айланмоқда. Улар атроф муҳитга, хусусан ер ресурслари, ер усти ва ости сувлари, ўрмонлар ва бошқа ўсимликлар, шунингдек, ҳайвонларнинг яшаш муҳити, ҳаво муҳити ва атроф муҳитнинг бошқа объектлари ҳамда таркибий қисмларига салбий таъсир кўрсатади.

6. ҚМЧнинг ҳосил бўлиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳимлари аҳоли даромадлари, истеъмолчиларнинг хулқ-атвори, бозорда янгича қадоқланган маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва демографик кўрсаткичлар ҳисобланади.

7. Ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон Республикасида ҚМЧнинг ҳосил бўлишининг йиллик ҳажми прогнози 14–14,5 млн тонна атрофида баҳоланади. Аҳолининг ўртача 1,5 фоизга кўпайиш суръатини ҳисобга олганда эса, ушбу кўрсаткич 2028 йилга келиб 16-16,7 млн тоннага етиши мумкин.

8. Савдо тармоқлари (супермаркетлар, гипермаркетлар ва бошқалар) сонининг аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши билан бир вақтда ортиши қадоқланган маҳсулотлар учун харид қобилиятининг, пировардида ҳосил бўладиган ҚМЧнинг ортишига олиб келмоқда. Урбанизация ҳам чиқиндилар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатиб, шаҳар ҳудудлари аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпроқ чиқинди чиқаради.

9. ҚМЧ ҳосил бўлишининг бундай ўсиш суръати аҳолининг яшаш шароити ва республика иқтисодиётининг ўсишини акс эттиради. Бироқ, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини модернизациялаш ва такомиллаштиришга тизимли, дастурий ёндашиш зарурати янада долзарб аҳамият касб этади. Чунки бундай ёндашувсиз соҳадаги муаммоларни ҳал этиш имконсиздир.

1-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мавжуд инфратузилма

10. Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалашни яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида 2014 – 2016 йилларда шаҳарларда қўшимча равишда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган 41 та ташкилот ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаларида маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича 157 та хўжалик ҳисобидаги участка ташкил этилди.

11. 2014 – 2016 йилларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус техникалар билан таъминлаш дастурлари амалга оширилиб, 1427 та махсус техника, шундан 990 та маиший чиқиндиларни ташиш техникаси харид қилинди.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

12. Республика шаҳарларида ва туман марказларида, турар жой мавзеларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 14 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш шохобчалари ташкил этилди ва 10 мингдан зиёд контейнер ўрнатилди.

13. Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу муҳим вазифаларни инобатга олиб, республиканинг шаҳар ва туманларида, шунингдек, қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида санитария ва экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 – 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарори қабул қилинди.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларига мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида 13 та «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали ташкил этилди;

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима миқдорлари оширилди;

2017 йилда аҳоли яшаш пунктларида 2643 та контейнер билан жиҳозланган 305 та намунали чиқинди тўплаш шохобчалари қурилди;

284 та махсус техника, шу жумладан 273 та чиқинди ташиш машинаси сотиб олинди.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг санитария жиҳатидан тозалаш бўйича сифатли хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3730-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019.й.

2019–2021 йилларда “Тоза ҳудуд” ДУКларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан махсус техника ва ускуналар билан қўшимча жиҳозлашнинг прогноз параметрлари;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш ва уларни контейнерлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли дастур;

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан “Тоза ҳудуд” ДУКлар фаолият кўрсатаётган амалдаги полигонларни жиҳозлаш бўйича манзилли дастур тасдиқланди.

2-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш

14. Аҳолининг ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлардан фойдаланиш имконияти асосан республиканинг йирик шаҳарларида қониқарли бўлиб, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда (айниқса олис қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида) мазкур хизматларнинг йўқлиги ёки етарли даражада эмаслиги билан ажралиб туради.

15. 2018 йилда 15,7 млн дан ортиқ киши ёки аҳоли умумий сонининг 48 фоизи ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олинди, шу жумладан:

15 та санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари ва уларнинг туман ҳамда шаҳарлардаги 183 та филиали томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан 12 млн киши;

санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган 109 та хусусий ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан 3,7 млн киши қамраб олинган.

16. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига республика ҳудудида 2,8 мингдан ортиқ чиқинди тўплаш шохобчалари ва 221 та полигон фаолият юритади, санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотларининг автопарки 3,1 мингтадан ортиқ махсус техника (чиқинди ташиш машиналари, самосваллар, тракторлар, бульдозерлар ва ҳ.к.)ни ташкил қилади.

3-§. ҚМЧни утилизация қилиш ва қайта ишлаш

17. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича мавжуд тизимини ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича кўп йиллар мобайнида шаклланган амалиёт асосан уларни кўммаган ҳолда, фақат тўплаш ва полигонларга ташишга йўналтирилган. Ушбу мақсадлар учун республикада турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларга тегишли бўлган 221 та полигон фаолият юритмоқда.

ҚМЧнинг ҳосил бўлишини минималлаштириш, чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этиш, ҚМЧдаги иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш масалалари иккинчи ўринда қолиб кетган.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

ҚМЧни утилизация қилиш ва қайта ишлаш муаммоси экологик жиҳатлардан ташқари иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. ҚМЧ иккиламчи хом ашё манбаи ҳисобланиб, уларни қайта ишлаш табиий ресурсларни тежаб қолишга имкон бериши, шунингдек, янги ишчи ўринларни яратилишини таъминлаган ҳолда ижтимоий муаммоларни ечиши мумкин.

Бугунги кунда республикада асосан аралаш ҳолатдаги ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш тизими амал қилади. Иккиламчи моддий ресурсларни тайёрлаш уларни қабул қилиш (тайёрлов) пунктлари орқали назоратга олинмаган (тартибсиз) шаклда амалга оширилади. Бунда, тайёрлов жараёни фақатгина юқори ликвидли иккиламчи хомашёни (қоғоз, пластик буюмлар, металл парчалари ва шу кабилар) қамраб олади ва натижада қолган иккиламчи моддий ресурсларнинг катта миқдори қайта ишланмасдан кўмиб юборилмоқда.

18. Ҳозирда республика ҳудудида умумий қуввати йилига 894 минг тонна ҚМЧни қайта ишлайдиган 183 та корхона, шу жумладан 72 та полимер плёнка ва пластмассани, 65 та қоғоз ва картон буюмларини, 17 та шина ва резинотехника буюмларини, 10 та металлни, 6 та шишани, 2 та мой ва текстилни, 11 та бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

19. Шу билан бирга республиканинг 9 та шаҳрида (Ангрен, Нукус, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Термиз, Гулистон ва Урганч) умумий қуввати йилига бир миллион тоннадан ортиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, ҚМЧни тўплаш, ташиш, саралаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича кластерларнинг ташкил этилиши ҚМЧнинг истеъмол қимматига эга таркибларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Ташкил этилган кластерларда қўлланиладиган технологиялар олиб келинадиган ҚМЧдан иккиламчи моддий ресурсларни ажратиб олиш ва уларни қайта ишлаш учун саралаш асосида ишлайди.

4-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида тариф жиҳатдан тартибга солиш

20. Амалдаги тарифлар фақатгина ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун ҳисобланган бўлиб, уларни саралаш, утилизация қилиш ва кўмиш харажатларини ўз ичига олмайди.

21. Ўрнатилган тарифлар ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилмани яратишнинг умумий харажатлари билан таққосланганда жуда ҳам паст бўлиб, эксплуатация харажатларини қопламайди ва корхоналарда санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва ривожлантириш ҳамда янги технологияларни жорий этиш учун айланма маблағлар шаклланишини таъминламайди ва ўз навбатида, инвестицияларни жалб қилиш имконини бермаяпти.

22. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг барқарор ишлаши учун бир вақтнинг ўзида аҳолининг тўлов қобилияти ҳамда хусусий инвесторлар учун мазкур секторнинг жозибадорлигини таъминлашга мос тарифларни шакллантириш сиёсатини шакллантириш талаб этилади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

23. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги барқарор молиявий тизимни яратиш бўйича ишлар ҚМЧни тўплаш, саралаш, олиб чиқиб кетиш ва кўмиш бўйича хизматлар харажатларининг тўлиқ қопланишини таъминлашга қаратилиши лозим.

5-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини молиялаштириш

24. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини молиялаштириш санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сон "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш доирасида комплекс тадбирлар ва дастурларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 343,1 млрд сўм йўналтирилди ва тижорат банкларининг 20 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлари жалб этилди.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан 2017 – 2021 йилларда мазкур дастурларни молиялаштириш учун 1,5 трлн. сўмдан ортиқ пул маблағлари йўналтирилади, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида:

Осиё тараққиёт банки иштирокида умумий бюджети 92,25 млн АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган "Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш" лойиҳасини амалга ошириш: Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари – 69 млн АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикасининг божхона ва солиқ имтиёзлари кўринишидаги улуши – 5,82 млн АҚШ доллари ва "Махсустранс" ДУК маблағлари – 17,43 млн АҚШ доллари;

Франция тараққиёт агентлиги иштирокида умумий бюджети 37,1 млн евро миқдорига тенг бўлган "Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш: Агентликнинг имтиёзли кредитлари – 23,5 млн евро, Европа Иттифоқи инвестиция жамғармасининг Марказий Осиё учун грант маблағлари – 8 млн евро, Ўзбекистон Республикасининг 5,6 млн еврога тенг, шу жумладан 3,2 млн евро миқдоридаги божхона ва солиқ имтиёзлари кўринишидаги улуши;

"Sejin G&E Co., Ltd" компанияси (Корея Республикаси) иштирокида 55 млн АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилган ҳолда "Тошкент вилоятининг "Оҳангарон" ва "Майдонтол" маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга ошириш.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

3-боб. Мавжуд муаммолар

27. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муаммолар ғоят долзарб ҳисобланади, чунки экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш уларнинг ечимига боғлиқ.

28. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар қуйидагиларда намоён бўлади:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмаган ва халқаро меъёрларга мувофиқ эмас;

қишлоқ аҳоли пунктларида ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар етарли даражада таъминланмаган (40-50%) ва мазкур хизматлар олис қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида деярли мутлақо мавжуд эмас;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилма қониқарсиз ҳолатда;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳаси давлат миқёсида ҳам, хусусий сектор даражасида ҳам етарлича молиялаштирилмайди;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат-хусусий шериклик етарлича ривожланмаган;

ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун аҳолининг тўлов интизоми паст даражада;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасининг амалдаги тизимида, шу жумладан уларни саралаб йиғишда жамоатчилик иштироки паст даражада;

соҳада хусусий секторнинг иштироки етарли эмас;

аҳолининг экологик маданияти етарли даражада ривожланмаган.

4-боб. Стратегиянинг мақсад, вазифа ва принциплари

29. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида янгича ёндашувларни белгилашга кўмаклашиш, ҚМЧни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали, ишончли ва ижтимоий мақбул комплекс хизматларни яратиш, ҚМЧнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтириш, ҚМЧдаги фойдали таркибларни имкон қадар юқори даражада ажратиб олиш орқали ҚМЧ ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни қўшимча хом ашё, материаллар, яримфабрикатлар манбаи сифатида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, товарлар (маҳсулотлар) ишлаб чиқариш учун хўжалик айланмасига жалб қилиш, шунингдек, ҚМЧнинг хавфсиз кўмилишини таъминлаш Стратегиянинг мақсадлари ҳисобланади.

30. Стратегия мақсадларига эришишда унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш;

санитария жиҳатидан тозалаш соҳасини такомиллаштириш;

ҚМЧни утилизация қилиш ва қайта ишлаш соҳасини такомиллаштириш;

соҳага иқтисодий механизмларни татбиқ этган ҳолда, махсус ҚМЧни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.) тўплаш ва қайта ишлаш усулларини жорий этиш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

ҚМЧнинг ресурс салоҳиятини ошириш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масалаларида экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш.

31. Стратегиянинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Стратегияни амалга оширишнинг барча босқичларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

ҚМЧнинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни барча жараёнлар устидан назоратни таъминлаган ҳолда амалга ошириш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича харажатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланишини кўзда тутувчи, тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни яратиш заруратини белгиловчи “ифлослантирувчи тўлайди” принципини жорий этиш;

танлов асосида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият юритиш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги.

5-боб. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

32. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ривожлантириш қуйидаги асосий йўналишларни амалга ошириш билан боғлиқ:

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилмани такомиллаштириш;

ҚМЧ ҳосил бўлишининг олдини олиш ва камайтириш;

ҚМЧни қайта ишлаш ва энергетик фойдаланиш;

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

полигонлар сонини ва майдонини оптималлаштириш (ёпиш, эски полигонларни рекультивация қилиш ва янги полигонларини қуриш).

1-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш

33. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мураккаб ва тизимли муаммоларга эга соҳа бўлиб қолмоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси кўп сонли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига қарамай, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштиришга муҳтож.

Бунда, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқий базани ҳам қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш, ҳам техник ва экологик жиҳатдан тартибга солишнинг комплекс тизимини яратиш зарур.

34. Стратегияни амалга ошириш доирасида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш учун норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий базани мувофиқлаштиришга қуйидаги йўл орқали эришилади:

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш;

соҳага давлат-хусусий шерикликни самарали татбиқ этиш ва иқтисодий самарали ва шаффоф усулларда инвестицияларни жалб қилиш учун ҳуқуқий асосларни яратиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича иқтисодий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун техник норматив асосни такомиллаштириш.

2-§. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида инфратузилмани такомиллаштириш

35. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизими самарали ишлашининг асосий омили ҚМЧни ўз вақтида тўплаш ҳамда уларни қайта ишлаш ва (ёки) жойлаштириш жойларигача ташиш ҳисобланади.

36. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида органик, қайта ишланадиган ва қайта ишланмайдиган ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш жадваллари мақбуллаштирилади, ҚМЧ ҳосил бўладиган олис участкалар учун махсус зичловчи қурилмалар билан жиҳозланган қайта юклаш пунктлари қурилади.

37. Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасининг экологик йиғимни жорий этиш жараёнида тўпланган маблағлари ҳисобидан 57 та янги автопарк қурилади ва 44 та автопарк мукаммал таъмирланади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

38. Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослашган корхоналарнинг махсус техникаларига техник хизмат кўрсатилишини ташкиллаштириш учун Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда республиканинг вилоят марказларида 13 та сервис марказлари яратилади.

39. Тасдиқланган давлат дастурлари доирасида давлат унитар корхоналари 4 233 та махсус техника билан таъминланади, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар учун 14 367 та контейнер ва мавжуд мультилифтлар учун 257 та транспорт контейнерлари харид қилинади.

3-§. ҚМЧ ҳосил бўлишининг олдини олиш ва камайтириш

40. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида инфратузилмани такомиллаштириш тадбирлари ҚМЧ ҳосил бўлишининг олдини олиш ва камайтириш чоралари билан бирга олиб борилади.

41. 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда республика шаҳарларининг кўп квартирали турар жой секторида қуйидагилар учун беш турдаги алоҳида белгили контейнерлар ўрнатиш асосида ҚМЧни саралаб йиғишни жорий этиш кўзда тутилмоқда:

қайта ишланадиган ҚМЧ (полимерлар, қоғоз ва металл);

органик ҚМЧ (озиқ-овқат ва бошқа биологик чирийдиган материаллар);

қайта ишланмайдиган ҚМЧ (композитли материаллар, тозаланмаган материаллар ва бошқа аралаш ҚМЧ);

хавфли маиший чиқиндилар (аккумуляторлар, батарейкалар, тиббиёт чиқиндилари ва бошқалар);

шиша идиш буюмлари.

42. ҚМЧни саралаб йиғиш тизимини татбиқ этиш билан бир қаторда, қуйидаги устунликларга эга бўлган истеъмол қадоқлаш буюмлари (таралар)нинг депозит тизимини жорий этишга тайёргарлик бошланади:

ҚМЧни тўплаш, сақлаш, саралаш, ташиш ва кўмиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;

ҚМЧнинг ҳосил бўлиши ва тўпланишини камайтириш;

полигонларга келиб тушадиган иккиламчи моддий ресурслар ҳажмини камайтириш;

иккиламчи моддий ресурсларни йиғиш ҳажмини ва уларни хўжалик айланмасига жалб қилишни ошириш;

юқори сифатли хомашёни сотишдан олинадиган даромадни кўпайтириш;

ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар таннархини камайтириш.

4-§. ҚМЧни қайта ишлаш ва ундан энергетик фойдаланиш

43. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мавжуд ҳолат ва улар ҳосил бўлишининг ўсиш суръатлари ҚМЧни полигонга кўмиш усулидан уларни саноатда қайта ишлашга босқичма-босқич ўтишни таъминлаган ҳолда ҚМЧдан энг юқори фойда олиб, уларнинг бутун ҳажмини комплекс қайта ишлашни амалга ошира оладиган тизим яратишни талаб этади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

44. Қайта ишлаш технологияларини танлаш ҚМЧнинг таркиби ва хусусиятларига, ҳудудий жиҳатлар ҳамда рўёбга чиқаришнинг иқтисодий имкониятлари каби қатор омиллар билан бирга атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар соғлиғи ҳам асосий жиҳатлардандир.

45. Технологик принциплар ва халқаро тажрибага кўра, ҚМЧни қайта ишлаш усулларини механик, биологик, термик ва аралаш усулларга ажратиш мумкин.

46. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мавжуд вазият ва ҳудудларнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Стратегияни амалга ошириш доирасида ҚМЧни қайта ишлаш бўйича қўлланиладиган технологиялар баҳоланади ва танлаб олинади ҳамда пилот лойиҳалар амалга оширилади. Амалга оширилган лойиҳаларни баҳолаш якунларига кўра ҚМЧни иккиламчи ресурс кўринишида хўжалик айланмасига жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар қабул қилинади.

47. Шу билан бир қаторда, ҚМЧдан энергетик фойдаланиш (ҳосил бўлган ҚМЧдан биогаз ажратиб олиш, аралаш ҚМЧни ёқиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун чиқиндилардан олинган ёқилғидан муқобил ёқилғи сифатида фойдаланиш) технологияларини татбиқ этиш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида ҚМЧни хом ашё сифатида ишлатиш орқали ишлаб чиқариладиган энергияни умумий тармоққа қабул қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича механизмлар такомиллаштирилади.

48. ҚМЧни қайта ишлаш бўйича лойиҳалар давлат-хусусий шериклик асосида, шунингдек, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳисобига тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача замонавий технологияларни жорий этиш орқали амалга оширилади.

49. Лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун етарли тажрибага эга бўлган халқаро экспертлар ҳамда корхоналарни лойиҳалаштириш, қуриш ва келгусида фойдаланишни таъминлай олишга қодир инвесторларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

5-§. Полигонлар сонини ва майдонини оптималлаштириш (ёпиш, эски полигонларни рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш)

50. Ҳозирда фаолият юритаётган полигонлардан (чиқиндихоналар) лозим даражада фойдаланилмаяпти, жумладан: ёнғинлар ва ёқимсиз ҳидлар тарқалишининг олдини олиш учун чиқиндиларни зичлаш ҳамда белгиланган тартибда изоляция қилиш ишлари олиб борилмайди, полигонларга олиб келинаётган чиқиндилар миқдорининг ҳисоби ва қатъий назорати юритилмайди, йиғиладиган биогазни рекуперация қилиш ёки фильтратни рекуперация қилиш/ишлов бериш учун қурилмалар мавжуд эмас, шунингдек, аксарият полигонларнинг атрофи ўралмаган.

51. Мавжуд ҳолат полигонларнинг бундай инфратузилма объектлари учун қўйиладиган талабларга мувофиқлаштириш орқали уларнинг техник, санитария ва экологик ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича чоралар кўришни тақозо этади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

52. Кўриладиган чора-тадбирлар доирасида полигонларнинг атроф муҳитга ва фуқаролар соғлиғига салбий тасири хавфини баҳолаш устувор йўналиш ҳисобланади.

53. Хатарларни баҳолаш натижаларга кўра, ҳудуд майдонларини бўшатиш, атроф муҳитга ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсирни камайтириш учун полигонларнинг сонини ва майдонини оптималлаштириш, шунингдек, тартибсиз чиқиндихоналарни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилади.

54. Биринчи навбатда Сирдарё, Жиззах ва Хоразм каби вилоятлар ҳудудида жойлашган, сув ҳавзалари ва ер ости сувларига бевосита яқин полигонлар ёпилади ва рекультивация қилинади.

Ушбу йўналишда 183 та туман ва шаҳарларни ўз ичига олган, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича 56 та шартли ҳудудларга бўлиш асосида мамлакатни ҳудудлаштириш амалга оширилди. География жойлашув, иқтисодий ривожланиш, полигонларга кириш йўлларининг мавжудлиги, геологик ва гидрогеологик шароитлар, аҳоли сони ва бошқалар ҳудудий режалаштиришнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Стратегияни амалга ошириш доирасида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича шартли ҳудудларда умумий майдони 1 108,6 гектарга тенг 167 та полигон ёпилади ва рекультивация қилинади. Фаолият юритаётган полигонлар ўрнида умумий майдони 693,3 гектарга тенг 54 та замонавийлаштирилган полигон яратилади ва умумий майдони 80 гектарга тенг 5 та полигон очилади.

Оптималлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида полигонларининг сони 221 тадан 59 тага қисқаради. Бу 770,2 гектар майдон ёки ҚМЧни жойлаштириш учун фойдаланиладиган умумий майдоннинг 50 фоизига тенгдир.

2020 йилдан 2028 йилга қадар келгусида фойдаланиб бўлмайдиган полигонлар (чиқиндихоналар)ни ёпиш ва рекультивация қилиш, 2028 йилга қадар даврда эса полигонларнинг атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсирига қарши ҳимоя тизимлари билан жиҳозлашни назарда тутувчи модернизациялаш амалга оширилади.

55. Полигонларни оптималлаштириш ушбу Стратегияга 1.1–1.13-иловаларга мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича тадбирлар

56. Жамоатчиликнинг хабардорлигини ва иштирокини ошириш бўйича чора-тадбирлар ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг янги усулларини илгари суриш ва татбиқ этишда жуда катта аҳамиятга эга.

57. Жамоатчиликнинг ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича хабардорлигини ошириш вазифалари қуйидаги тадбирлардан иборат:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги долзарб масалалар, республикадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини, шу жумладан, аниқ мақсадли ижтимоий гуруҳлар (болалар, ўқувчи ёшлар, уй бекалари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолиси)га мўлжалланган маълумотларни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги масалаларни тушунтириш мақсадида учрашувлар, семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

рухсат этилмаган (тартибсиз) чиқиндихоналарни бартараф этиш бўйича экологик ҳашар (шанбалик)ларни, ободонлаштириш объектларида – "Тоза шаҳарда баҳор" ва "Тоза шаҳарда куз" ёшлар акцияларини, Бутунжаҳон атроф муҳит кунига бағишланган "Тоза шаҳар" экологик акцияларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

болалар ва ёшларнинг ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш масалалари юзасидан билим даражасини ошириш, шу жумладан болалар ва ёшларнинг экологик саводхонлигини ошириш ҳамда экологик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган услубий қўлланма ва дастурлар ишлаб чиқиш.

7-боб. Стратегияни амалга оширишнинг ресурс таъминоти ва босқичлари

1-§. Стратегияни амалга оширишнинг ресурс таъминоти

58. Стратегия мақсадларига эришиш учун режалаштирилган тадбирларни бажариш мазкур соҳага катта инвестицияларни талаб этади. Стратегияни амалга оширишни молиялаштириш учун ҳам ички, ҳам ташқи манбалардан фойдаланилади, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан иборат ички молиявий ресурслар;

ташқи молиялаштириш халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ва техник кўмак, шу жумладан, грант ва кредит маблағлари доирасида олиниши мумкин.

59. 2019–2028 йиллар давомида умумий инвестиция ҳажми 2188,2 млн АҚШ долларига тенг миқдорда баҳоланмоқда, шу жумладан:

2019–2021 йилларда – 321 млн АҚШ доллари;

2022–2025 йилларда – 747,2 млн АҚШ доллари;

2026–2028 йилларда – 1 120 млн АҚШ доллари.

2-§. Стратегияни амалга ошириш босқичлари

60. Стратегияни амалга ошириш босқичлари қуйидаги даврларни назарда тутади:

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

биринчи босқич (2019–2021 йиллар) – ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, ҚМЧни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг самарали ташкиллаштирилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш;

иккинчи босқич (2022–2028 йиллар) – қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш:

аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш кўламини **100 фоизга** етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг **камида 60 фоизини** қайта ишлашни таъминлаш;

ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.) қайта ишлаш ҳажмини **25 фоизгача** ошириш;

полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини **60 фоизгача** камайтириш;

барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини **тўлиқ рекультивация қилиш**;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан **35 фоизгача** фойдаланиш;

полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) **100 фоизгача** таъминлаш.

8-боб. Кутилаётган натижалар

61. Ушбу Стратегияга 2-иловага мувофиқ ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни тежаш ва чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизими ва тузилмасини утилизация қилиш ва қайта ишлаш томон ўзгартириш, атроф муҳитни чиқиндилар билан ифлослантириш натижасида унга зарар етказилишининг олдини олиш, чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш бўйича технологияларнинг экологик, техник ва санитария-гигиеник хавфсизлиги даражасини оширишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш Стратегиянинг натижалари ҳисобланади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

62. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги технологик базани ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари кўрсатишнинг сифат даражасини муттасил ўсиб боришига ҳамда ҚМЧни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш бўйича экологик ва иқтисодий самарали технологик ечимларни жорий этишга олиб келади.

63. ҚМЧни жойлаштириш объектларини оптималлаштириш ва модернизациялаш уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлайди ҳамда мазкур объектлардаги мавжуд ҚМЧнинг атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатишига тўсқинлик қилади.

64. Рағбатлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини ўз ичига олган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ушбу соҳага зарур ва етарли ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш имконини беради ҳамда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади.

65. Саноат инфратузилмасининг ишлаши ҚМЧдан утилизация қилинган қимматли иккиламчи ресурсларни имкон қадар кўпроқ хўжалик айланмасига жалб қилиш, иккиламчи ресурслардан бозорбоп янги рақобатбардош, сифатли ва экологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, унинг умумий товар айланмасидаги улушини кўпайтириш, қайта тикланмайдиган манбалардаги табиий хом ашё тежалишини таъминлайди.

66. ҚМЧнинг иккиламчи хомашё ҳисобланмаган қисмидан энергетик фойдаланиш қайта тикланмайдиган манбалардаги табиий хом ашёнинг ўрнини босиш орқали уни сақлаб қолишни, шунингдек, ҚМЧни полигонларда кўмишдан уларни секин-аста саноатда қайта ишлашга ўтишини таъминлайди.

67. ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги илмий билимларни оммалаштириш мақсадида маърифий дастурларни яратиш ва амалга ошириш шубҳасиз жамоатчилик фикрининг шаклланишига олиб келади. Бу эса ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг замонавий тизимларини янада тезроқ жорий қилиш, шунингдек, уларнинг ҳосил бўлиш ҳажмларини камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда ривожланаётган экологик маданият атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ёрдам беради ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар йўлига тўсиқ бўлади.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди нолигопларини қуриш ва амалдаги полигопларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Нукус шаҳри*		Нукус тумани
	Нукус тумани*		
	Тахиатош тумани	Хўжайли тумани	
	Хўжайли тумани		
2-ҳудуд	Беруний тумани*		Беруний тумани
	Элликқалъа тумани	Элликқалъа тумани	
	Тўрткўл тумани	Тўрткўл тумани	
3-ҳудуд	Қораўзак тумани*		Қораўзак тумани
	Кегейли тумани	Чимбой тумани	
	Чимбой тумани		
	Тахтакўпир тумани	Тахтакўпир тумани	
4-ҳудуд	Қўнғирот тумани*		Қўнғирот тумани
	Қонликўл тумани	Қонликўл тумани	
	Шуманай тумани	Мўйноқ тумани	
	Мўйноқ тумани		
5-ҳудуд	Амударё тумани*		Амударё тумани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.2-илова

Андижон вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Бўз тумани*	Улуғнор тумани	Бўз тумани
	Улуғнор тумани		
	Баликчи тумани		
	Шаҳрихон тумани	Шаҳрихон тумани	
	Асака тумани		
2-ҳудуд	Андижон шаҳри*	Избоскан тумани Олтинкўл тумани Пахтаобод тумани	Андижон тумани
	Андижон тумани*		
	Избоскан тумани		
	Олтинкўл тумани		
	Пахтаобод тумани		
3-ҳудуд	Хўжаобод тумани*	Булоқбоши тумани Қўрғонтепа тумани Жалақудуқ тумани	Хўжаобод тумани
	Булоқбоши тумани		
	Марҳамат тумани		
	Қўрғонтепа тумани		
	Жалақудуқ тумани		

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.3-илова

Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Ғиждувон тумани*		Ғиждувон тумани
	Шофиркон тумани	Шофиркон тумани	
2-ҳудуд	Қоракўл тумани*		Қоракўл тумани
	Олот тумани	Олот тумани	
	Жондор тумани	Жондор тумани	
	Ромитан туманининг Газли шаҳарчаси	Ромитан туманининг Газли шаҳарчаси	
3-ҳудуд	Ромитан тумани*		Ромитан тумани
	Пешку тумани	Пешку тумани	
	Вобкент тумани	Вобкент тумани	
4-ҳудуд	Бухоро тумани*		Бухоро тумани
	Бухоро шаҳри*		
	Когон шаҳри*		
	Когон тумани*		
5-ҳудуд	Қоровулбозор тумани*		Қоровулбозор тумани
6-ҳудуд	Ромитан туманининг Қизилработ аҳоли маскани*		Ромитан туманининг Қизилработ аҳоли маскани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.4-илова

Жиззах вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Шароф Рашидов тумани*		Шароф Рашидов тумани
	Жиззах шаҳри*		
	Зарбдор тумани	Зарбдор тумани	
2-ҳудуд	Дўстлик тумани*		Дўстлик тумани
	Арнасой тумани	Арнасой тумани	
	Зафаробод тумани		
	Пахтакор тумани	Пахтакор тумани	
	Мирзачўл тумани	Мирзачўл тумани	
3-ҳудуд	Зомин тумани*		Зомин тумани
	Янгиобод тумани	Янгиобод тумани	
4-ҳудуд	Бахмал тумани	Бахмал тумани	Ғаллаорол тумани
	Ғаллаорол тумани*		
5-ҳудуд	Фориш тумани*		Фориш тумани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.5-илова

Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Косон тумани*		Косон тумани
	Муборак тумани	Муборак тумани	
	Касби тумани	Касби тумани	
2-ҳудуд	Нишон тумани*		Нишон тумани
	Миришкор тумани	Миришкор тумани	
	Қарши тумани	Қарши тумани	
3-ҳудуд	Қарши шаҳри*		Ғузор тумани
	Ғузор тумани*		
	Деҳқонобод тумани	Деҳқонобод тумани	
	Қамаши тумани	Қамаши тумани	
4-ҳудуд	Чироқчи тумани*		Чироқчи тумани
	Шаҳрисабз тумани	Шаҳрисабз тумани	
	Китоб тумани	Китоб тумани	
	Яккабоғ тумани	Яккабоғ тумани	

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.6-илова

Навоий вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди иолигоплари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Зарафшон шаҳри*		Зарафшон шаҳри
	Томди тумани*		
	Учқудуқ тумани	Учқудуқ тумани	
	Конимех тумани (шимолий)	Конимех тумани (шимолий)	
2-ҳудуд	Қизилтепа тумани*		Қизилтепа тумани
	Конимех тумани (жанубий)	Конимех тумани (жанубий)	
3-ҳудуд	Кармана тумани*		Кармана тумани
	Навоий шаҳри*		
4-ҳудуд	Навбаҳор тумани*		Навбаҳор тумани
	Нурота тумани	Нурота тумани	
5-ҳудуд	Хатирчи тумани*		Хатирчи тумани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.7-илова

Наманган вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма стaнцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Тўрақўрғон тумани*		Тўрақўрғон тумани
	Наманган шаҳри*		
	Наманган тумани	Наманган тумани	
	Мингбулоқ тумани	Мингбулоқ тумани	
	Косонсой тумани	Косонсой тумани	
2-ҳудуд	Учқўрғон тумани*		Учқўрғон тумани
	Норин тумани*		
3-ҳудуд	Чортоқ тумани*		Чортоқ тумани
	Уйчи тумани	Уйчи тумани	
	Янгиқўрғон тумани	Янгиқўрғон тумани	
4-ҳудуд	Поп тумани*		Поп тумани
	Чуст тумани	Чуст тумани	

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.8-илова

Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Самарқанд тумани*		Самарқанд тумани
	Ургут тумани*		
	Тойлоқ тумани	Тойлоқ тумани	
2-ҳудуд	Булунғур тумани*		Булунғур тумани
	Жомбой тумани	Жомбой тумани	
3-ҳудуд	Иштихон тумани*		Иштихон тумани
	Пайариқ тумани	Пайариқ тумани	
	Қўшработ тумани	Қўшработ тумани	
	Оқдарё тумани	Оқдарё тумани	
4-ҳудуд	Нарпай тумани*		Нарпай тумани
	Каттақўрғон шаҳри	Каттақўрғон шаҳри	
	Каттақўрғон тумани		
	Пахтачи тумани	Пахтачи тумани	
5-ҳудуд	Нуробод тумани*		Нуробод тумани
	Пастдарғом тумани	Пастдарғом тумани	
6-ҳудуд	Самарқанд шаҳри	Самарқанд тумани ҳудудида янги ҚМЧ полигони ташкил этилиши муносабати билан Самарқанд шаҳри учун қайта юклаш станцияси талаб этилмайди	

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўғридан-тўғри янгидан ташкил этилаётган полигонларга ташиб чиқарилиши кўзда тутилган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.9-илова

Сурхондарё вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Шеробод тумани* Музработ тумани Қизириқ тумани Бойсун тумани	Музработ тумани Қизириқ тумани Бойсун тумани	Шеробод тумани
2-ҳудуд	Ангор тумани Термиз шаҳри* Термиз тумани* Жарқўрғон тумани	Ангор тумани Жарқўрғон тумани	Термиз шаҳри
3-ҳудуд	Олтинсой тумани* Денов тумани Шўрчи тумани Қумқўрғон тумани	Денов тумани Шўрчи тумани Қумқўрғон тумани	Олтинсой тумани
4-ҳудуд	Узун тумани* Сариосиё тумани	Сариосиё тумани	Узун тумани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўғридан-тўғри янгидан ташкил этилаётган полигонларга ташиб чиқарилиши кўзда тутилган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.10-илова

Сирдарё вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Сайхунобод тумани*		Сайхунобод тумани
	Сирдарё тумани	Сирдарё тумани	
2-ҳудуд	Мирзаобод тумани*		Мирзаобод тумани
	Гулистон тумани	Гулистон тумани	
	Ширин шаҳри	Боёвут тумани	
	Боёвут тумани		
	Гулистон шаҳри	Гулистон шаҳри	
	Ховос тумани	Ховос тумани	
	Янгиер шаҳри		
3-ҳудуд	Сардоба тумани*		Сардоба тумани
	Оқолтин тумани	Оқолтин тумани	

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.11-илова

Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Бекобод шаҳри*		Бекобод тумани
	Бекобод тумани*		
2-ҳудуд	Оҳангарон тумани*		Оҳангарон тумани
	Ангрен шаҳри*		
	Ўртачирчиқ тумани	Ўртачирчиқ тумани	
	Нурафшон шаҳри*		
	Пискент тумани	Пискент тумани	
	Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ шаҳри	
	Бўка тумани	Бўка тумани	
3-ҳудуд	Янгийўл тумани	Янгийўл тумани	Янгийўл тумани
	Янгийўл шаҳри		
	Зангиота тумани		
	Тошкент тумани		
	Оққўрғон тумани	Оққўрғон тумани	
	Қуйичирчиқ тумани	Қуйичирчиқ тумани	
	Чиноз тумани	Чиноз тумани	
4-ҳудуд	Паркент тумани*		Паркент тумани
	Юқоричирчиқ тумани	Юқоричирчиқ тумани	
	Қибрай тумани	Қибрай тумани	
	Чирчиқ шаҳри		
	Бўстонлиқ тумани	Бўстонлиқ тумани	
Тошкент шаҳри		Тошкент шаҳрида 3 та чиқиндиларни қайта юклаш станциялари мавжудлиги сабабли янги қайта юклаш станциялари талаб этилмайди	

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.12-илова

Фарғона вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Фарғона шаҳри*		Фарғона тумани
	Фарғона тумани*		
	Марғилон шаҳри*		
	Ёзёвон тумани	Ёзёвон тумани	
	Қўштепа тумани	Қўштепа тумани	
	Қува тумани	Қувасой шаҳри	
	Қувасой шаҳри		
	Тошлоқ тумани	Тошлоқ тумани	
	Олтиариқ тумани	Олтиариқ тумани	
	Риштон тумани		
2-ҳудуд	Данғара тумани*		Данғара тумани
	Қўқон шаҳри*		
	Бағдод тумани	Бағдод тумани	
	Учкўприк тумани	Учкўприк тумани	
	Бувайда тумани	Бувайда тумани	
3-ҳудуд	Ўзбекистон тумани*		Ўзбекистон тумани
	Бешариқ тумани	Бешариқ тумани	
	Фурқат тумани	Фурқат тумани	
4-ҳудуд	Сўх тумани*		Сўх тумани

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ
ишларни амалга ошириш стратегиясига
1.13-илова

Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш кўчма станцияларини яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларни оптималлаштириш СХЕМАСИ

Шартли ҳудудлар	Шартли ҳудудга кирувчи туман ва шаҳарлар	Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар	Янги қаттиқ маиший чиқинди полигонлари ташкил этиладиган ҳудудлар
1-ҳудуд	Қўшкўпир тумани*	Гурлан тумани	Қўшкўпир тумани
	Гурлан тумани		
	Янгибозор тумани		
	Шовот тумани	Шовот тумани	
	Хива тумани	Хива тумани	
	Хива шаҳри		
2-ҳудуд	Боғот тумани*		Боғот тумани
	Янгиариқ тумани	Янгиариқ тумани	
	Хонқа тумани	Хонқа тумани	
	Ҳазорасп тумани	Ҳазорасп тумани	
3-ҳудуд	Урганч шаҳри*		Урганч шаҳри
	Урганч тумани*		

**) Қаттиқ маиший чиқиндиларни янгидан ташкил этиладиган полигонларга ташиб чиқариладиган туман ва шаҳарлар*

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

2019–2028 йиллар даврида
Ўзбекистон Республикасида қаттиқ
маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни
амалга ошириш стратегиясига
2-илова

2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Асосий йўналишлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари
I босқич	1. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш. 2. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг самарали ташкиллаштирилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш. 3. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш.	1. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш. 2. Санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналарининг автопаркини янгилаш ва кенгайтириш, махсус техникаларни сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш объектларини, шунингдек, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яратиш. 3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тарғибот, билим бериш, жамоатчиликнинг хабардорлигини ва экологик маданиятини ошириш соҳасида ишларни амалга ошириш.	2019–2021 йиллар
II босқич	1. ҚМЧларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуришга	1. Қуйидагиларни: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тасдиқланган ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги манзилли дастурлар ва прогноз параметрларини;	2022–2028 йиллар

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

	йўналтирилган инвестицияларни ўзлаштириш. 2. Ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни тежаш ва чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизими ва тузилмасини утилизация қилиш ва қайта ишлаш фойдасига ўзгартириш, чиқиндилар билан ифлослантирилиши натижасида атроф-муҳитга зарар етказилишини олдини олиш, чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва зарарсизлантириш бўйича технологияларнинг экологик, техник ва санитария-гигиеник хавфсизлиги даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	- ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, халқаро молия институтлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш. 2. Қуйидаги мақсадли индикаторларга эришилишини таъминлаш: - аҳолини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш: 2021 йилга қадар даврда – 85%; 2025 йилга қадар даврда – 100%. - ҚМЧларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш: 2021 йилга қадар даврда – 25%; 2025 йилга қадар даврда – 45%; 2028 йилга қадар даврда – 60%. - ўзига хос ҚМЧлар (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.)ни қайта ишлаш ҳажмларини ошириш: 2021 йилга қадар даврда – 10%; 2025 йилга қадар даврда – 15%; 2028 йилга қадар даврда – 25%. - полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган ҚМЧлар ҳажмини камайтириш: 2021 йилга қадар даврда – 25%; 2025 йилга қадар даврда – 45%; 2028 йилга қадар даврда – 60%. - полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш: 2021 йилга қадар даврда – 25%; 2025 йилга қадар даврда – 65%; 2028 йилга қадар даврда – 100%. - ёпилган полигон ерларини рекультивация қилиш: 2021 йилга қадар даврда – 20%; 2025 йилга қадар даврда – 65%; 2028 йилга қадар даврда – 100%.	

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

		- ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш: 2021 йилга қадар даврда – 15%; 2025 йилга қадар даврда – 25%; 2028 йилга қадар даврда – 35%. - полигонлар ҳолати мониторинги (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат): 2021 йилга қадар даврда – 20%; 2025 йилга қадар даврда – 75%; 2028 йилга қадар даврда – 100%.	

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарорига
2-илова

2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
I. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш						
1.	“Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил июнь	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Қаттиқ маиший чиқиндилар (кейинги ўринларда–ҚМЧ) билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги зарур талабларни ўрнатиш. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида иқтисодий тартиботларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва такомиллаштириш. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятни рағбатлантиришнинг зарур механизмларини яратиш.
2.	ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида иқтисодий тартиботларни такомиллаштириш.	Фойдаланиш хусусиятини йўқотганидан сўнг атроф-муҳитга зарар етказувчи, ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар гуруҳи ҳамда қадоқлаш	2021 йил февраль	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган ҚМЧлар ҳажмини камайтириш. Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш ҳажмининг ўсишига эришиш. Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
		буюмларига экологик йиғимни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлашни кўзда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.				объектларининг ҳолатини яхшилаш. Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар қувватини сифатли ва тўлиқ ҳажмларда хизмат кўрсатиши учун зарур бўлган даражага етказиш.
		Истеъмол қадоқлаш буюмлари (таралар)нинг депозит тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил май	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Депозит тизимини жорий этиш орқали иккиламчи моддий ресурсларни йиғиш ҳажмининг ўсишига эришиш. Иккиламчи моддий ресурсларни хўжалик айланмасига жалб қилиш орқали ҚМЧларнинг ҳосил бўлишини камайтириш. ҚМЧлар ҳисобининг ягона тизимини яратишни кўзда тутувчи, истеъмол қадоқлаш буюмлари (таралар)нинг моддий ва молиявий оқимини ҳисобга олиш тизимини яратиш. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириш юкини унинг қисмини хусусий секторга ўтказиш орқали камайтириш.
3.	ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни	“Маиший чиқиндиларни ташиш	2019 йил декабрь	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси,	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
	амалга ошириш соҳасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш.	қоидалари”ни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.			манфаатдор вазирлик ва идоралар	ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш. Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатилишининг юқори сифат даражасига эришиш. Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш механизмларини тизимлаштириш.
		“Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома”ни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	2019 йил ноябрь	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	
4.	Услубий тавсияларни ишлаб чиқиш.	ҚМЧларнинг тўпланиш меъёрларини аниқлаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш.	2019 йил ноябрь	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	ҚМЧларнинг тўпланиш меъёрларини аниқлаш ва тасдиқлаш усулларини жорий этиш.
5.	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолияти самарадорлигини баҳолашни жорий этиш.	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш.	2019 йил октябрь	Талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш. Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш. Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш. Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш механизмларини тизимлаштириш.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
II. Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш						
6.	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш.	Санитария жиҳатидан тозалаш корхоналари учун 1333 та махсус техника харид қилиш, шу жумладан: - 345 та чиқинди ташиш техникаси; - 1 та ротопресс.	2019 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджети маблағлари (тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида 412,3 млрд.сўм), Осиё тараққиёт банки маблағлари (32,6 млн. АҚШ доллари), Тижорат банкларининг маблағлари (2,5 млн. АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар автопаркини ва логистикасини модернизация қилиш. Аҳолини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш: 2021 йилгача – 85 %; 2025 йилгача – 100 %. Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш. Махсус техникалардан фойдаланиш муддатини ошириш.
		- 670 та чиқинди ташиш техникаси; - 27 та бульдозер;	2020 йил декабрь			
		- 175 та чиқинди ташиш техникаси; - 56 та бульдозер; - 59 та автоюклагич.	2021 йил декабрь			
		Санитария жиҳатидан тозалаш корхоналари учун 2836 та махсус техника харид қилиш ҳисобига автопаркни янгилаш ва кенгайтириш, шу жумладан: - 2 520 та чиқинди ташиш техникаси;	2022-2028 йиллар	Тижорат банкларининг маблағлари (243,5 млн. АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси	

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
		- 316 та ҚМЧ полигонлари учун махсус техника.				
		101 та автопаркни қуриш ва реконструкция қилиш, шу жумладан: - 57 та янги автопарк қуриш; - 44 та автопаркни реконструкция қилиш.	2022 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджети маблағлари (тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида 28,2 млрд.сўм) Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари (40,5 млрд. сўм)	Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	
		Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та сервис марказларини қуриш.	2019-2021 йиллар	Осиё тараққиёт банки маблағлари (15,6 млн. АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон	

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
					Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	
7.	ҚМЧларни вақтинча жойлаштириш объектларини ташкил этиш.	Аҳоли яшаш пунктларида 59 та янги чиқинди тўплаш шохобчалари (ЧТШ)ни қуриш. Контейнерлар харид қилиш: - махсус техника (мультилифт) учун – 291 та; - ижтимоий аҳамиятга эга объектлар учун – 13 567 та.	2019-2020 йиллар	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджети маблағлари (тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида 6,1 млрд.сўм), Осиё тараққиёт банки маблағлари (3,4 млн. АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш. Намунали ёки алоҳида лойиҳаларга мувофиқ янги ЧТШларни қуриш. Махсус техника (мультилифт)ларни контейнерлар билан жиҳозлаш. Ижтимоий аҳамиятга эга объектларда ҚМЧларни вақтинча тўплаш ва сақлаш жойларини контейнерлар билан жиҳозлаш (мактабгача таълим муассасаларида 4463 та ва ўқув муассасаларида 9104 та).
III. ҚМЧ полигонларини оптималлаштириш						
8.	ҚМЧ полигонлари (чиқиндихоналар)нинг сонини оптималлаштириш.	Санитария ва экологик талабларга жавоб бермайдиган ҚМЧ полигонларининг фаолиятини тўхтатиш: - полигонларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш; - полигонларни ёпиш (рекультивация	2019-2028 йиллар	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджети (тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар	Умумий майдони 1 108,6 гектарга тенг 167 та полигонни ёпиш ва рекультивация қилиш, фаолият юритаётган полигонлар ўрнида умумий майдони 693,3 гектарга тенг 54 та модернизациялашган полигон яратиш ва умумий майдони 80 гектарга тенг 5 та полигон қуриш ҳисобига полигонлар

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
		қилиш)ни лойиҳалаштириш; - полигонларни ёпиш (рекультивация қилиш); - мавжуд полигонларни реконструкция қилиш ва замонавий технологиялар асосида янги полигонларни қуриш.		маблағлар доирасида), ХМИ, Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари (маблағлар миқдори лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш натижаларига мувофиқ аниқланади)	ҳокимликлари	сонини оптималлаштириш, шу жумладан: 1) 2019-2021 йилларда: 18 та полигонни ёпиш; 3 та полигонни реконструкция қилиш; 2 та янги полигон қуриш; 5 та биогумус олиш объектларини яратиш; 2) 2022-2025 йилларда: 79 та полигонни ёпиш; 25 та полигонни реконструкция қилиш; 2 та янги полигон қуриш; 27 та биогумус олиш объектларини яратиш; 3) 2026-2028 йилларда: 70 та полигонни ёпиш; 26 та полигонни реконструкция қилиш; 1 та янги полигон қуриш; 27 та биогумус олиш объектларини яратиш.
9.	Қайта юклаш станция (пункт)ларини ташкил этиш.	95 та қайта юклаш станция (пункт)ларини, шу жумладан аҳоли сони 2 минг кишидан 600 минг кишигача бўлган аҳоли яшаш пунктлари учун қайта юклаш узелларини (зичлаш ускуналарини ўрнатган ҳолда) қуриш.	2022-2025 йиллар	Жалб этиладиган ХМИ ва тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари (маблағлар миқдори лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш натижаларига	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	95 та қайта юклаш станция (пункт)ларини қуриш. ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида логистика тизимини модернизация қилиш ва оптималлаштириш. ҚМЧларнинг ресурс қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш. ҚМЧларни ташиш учун

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
				мувофиқ аниқланади)		транспорт воситаларининг қатновлари сонини камайтириш. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш.
10.	Республиканинг узоқ аҳоли яшаш пунктларида ҚМЧларни утилизация қилиш бўйича инфратузилмани яратиш.	52 та узоқ, бориш қийин бўлган, аҳоли яшаш пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини қуриш, шу жумладан: 2019-2021 йилларда – 10 та; 2022-2025 йилларда – 38 та; 2026-2028 йилларда – 4 та.	2019-2028 йиллар	Жалб этиладиган ХМИ ва тижорат банкларининг маблағлари (маблағлар миқдори лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш натижаларига мувофиқ аниқланади)	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Бориш қийин бўлган, узоқ аҳоли яшаш пунктларида ҚМЧларни тўплаш, вақтинча сақлаш ва ташиш бўйича инфратузилмани яратиш. 52 та аҳоли яшаш пунктларида биомассани компостерлаш объектларини яратиш.
IV. Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш						
11.	Осиё тараққиёт банки иштирокида “Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш.	1. 182 та янги махсус техникаларни фойдаланишга топшириш. 2. Тошкент шаҳридаги 2 та қайта юклаш станциясини реконструкция қилиш ва 1 та қайта юклаш станциясини ёпиш. 3. “Махсустранс” ДУКнинг Чилонзор ва Миробод туман филиаллари	2019 йил август 2020 йил сентябрь 2019-2021 йиллар 2019-2021 йиллар	Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари (33,1 млн. АҚШ доллари)	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, “Махсустранс” ДУК	“Махсустранс” ДУКнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш. Автопаркни янгилаш ҳисобига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш. Қайта юклаш станцияларини модернизация қилиш ҳисобига уларнинг қувватини суткасига 700 тоннадан 1000 тоннага ошириш.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
		автопаркларини реконструкция қилиш. 4. Янги сервис марказини қуриш. 5. Янги контейнерлар харид қилиш: - махсус техникалар учун – 300 та; - ишлатилиб бўлинган симобли лампа, батарейка ва бошқаларни тўплаш учун – 500 та; 6. ҚМЧ полигонларида фойдаланиш учун 14 та махсус техника харид қилиш.	2019-2021 йиллар 2019-2021 йиллар			
12.	Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш.	1. 80 та махсус техника харид қилиш, шу жумладан: - 70 та метан ускунали чиқинди ташиш техникаси; - 10 та чиқинди ташиш техникаси-мультилифт – ҳар бири 6 та контейнери билан. 2. Икки гектар майдон ҳудудида махсус техникалар учун гараж қуриш. 3. 30 та чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш.	2019 йил декабрь 2020 йил декабрь 2020 йил ноябрь 2020 йил ноябрь 2020 йил	Франция тараққиёт агентлигининг кредит маблағлари (20,6 млн. АҚШ доллари)	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Мароканд обод” ДУК, Давлат экология қўмитаси	“Мароканд обод” ДУКнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш. Автопаркни янгилаш ҳисобига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш. Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яратиш. ҚМЧларнинг ресурс қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҚМЧларни комплексли бошқариш вазифаларини ечиш.

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
		4. Чиқинди тўплаш шохобчаларини 2100 та контейнер билан жиҳозлаш. 5. Полигонда фойдаланиш учун 8 та махсус техника харид қилиш, шу жумладан: - самосвал – 3 та; - бульдозер – 2 та; - автоюклагич – 1 та; - занжирли экскаватор – 1 та; - ғилдиракли экскаватор – 1 та. 6. Полигонда газни ушлаб қолиш ва фойдаланиш тизимини жорий этиш. 7. ҚМЧларни саралаш тизимини сотиб олиш ва полигонга ўрнатиш. 8. ҚМЧларни қайта ишлаш комплексини қуриш.	декабрь 2021 йил октябрь 2021 йил ноябрь 2021 йил декабрь			
13.	Осиё тараққиёт банки иштирокида иккита шаҳар мисолида (Тошкент ва Бекобод шаҳарлари) “Давлат хусусий шериклик тамойили шароитида	1. Тошкент ва Бекобод шаҳарларида санитария жиҳатидан тозалаш хизматларининг ДХШ асосида ишлаб чиқилиши мумкин бўлган, лойиҳанинг оптимал тузилмасини	2019-2020 йиллар	Осиё тараққиёт банкининг техник кўмаги (Осиё-Тинч океани минтақаси) Грант маблағлари (650 минг. АҚШ	Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	ҚМЧларнинг морфологик таркиби ва ҳудудларнинг географик тавсифлари асосида ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ДХШнинг турли шаклларини таҳлил қилиш ва аниқлаш

ҚҲММБ: 07/19/4291/2960-сон
18.04.2019 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари ва шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижалар
